



ХАВФЛИ МАЙДОН

«Хавfli майдон». Бу жумла 1986 йили ўзбек ёзувчиси Муҳаммад Солиҳ тарафидан ёзилганида «майдон» тушунчасида бугунги каби оғир сиёсий юк йўқ эди.

Москва, Киев ва Тошкентдаги қизил майдонлар фақат биринчи май ва еттинчи ноябрда «тўлдирилладиган» бир замон эди.

Хали Олмаотада эл кўтарилмаган, Бокуда одамлар отилмаган эди. Биз устида ўтирганимиз бомбанинг фитили ҳали чақмоқтош билан учрашмаган бир давр эди.

Гугурт бир тийин, газета икки тийин бўлган бу замоннинг хавfli майдони матбуот эди.

КГБ матбуотнинг кучини билгани учун ҳам уни чандон тиришиб назорат қилар эди.

Айнан 1986 йили мен хоразмлик рассом Сафо Дўсқонов ҳақида кичик китобча чоп қилдирмоқчи бўлганимда айнан КГБ қаршилигига дуч келдим.

Бу брашюра ичида чет элдаги диверсантлар учун код ва пароллар йўқлигини исбот қила оласанми, деб менга савол беришган эди гужумнинг тагидаги идора шотирлари.

Уларнинг бу гапи менга кулгили туюлган эди. Аммо орадан йиллар ўтиб тушундимки, уларнинг фикрида рационал уруғ мавжуд.

Хар ҳолда Муҳаммад Солиҳнинг 1986 йили Ўзбекистон Адабиёт ва Санъати газетасида босилган мақоласидаги сарлавҳа келажак учун бир шифрли ёзув, парол эди.

Бу парол МАЙДОН деган олти харfli сўз эди.

Бу шифр очкичлари эса биз ёшларнинг шуурида яширилган эди.

Муҳаммад Солиҳ бизга хавfli аммо жозибали майдонни яъни кураш майдо-

нини таклиф қилди.

Майдон энг аввало зиёлилар ва талабалар шуурида пайдо бўлди.

Бу жуда оддий бир тарзда юз берди.

Мана бу Бўстонлик деган гўзал табиат бўлгаси.

Москва режасига кўра бу бўлгада захарли тутун чиқрадиган заводлар қурилиши ва бу заводларда ишлаш учун Россиядан ўрислар кўчириб келтирилиши лозим эди.

«Биз бунга қаршимиз, чунки биз ўз табиатимизни севамиз деб айтишга «тўрт нафар зиёли ўз ичида журъат топди.

Бу ботирлар журъатидан таъсирланган яна ўн киши биз ҳам табиатни севамиз дея жасоратланди.

Муҳаммад Солиҳнинг бу мақоласи чоп қилинган даврдаги ўзбек зиёлилари кайфиятининг манзараси шундай эди агар англишмасам.

1987 йилда Муҳаммад Солиҳ адабиёт газетасида ўзини узун муддатли сиёсий курашга бел боғлаганини аниқ ифода қилди: «Агар ҳақиқат учун беш йил курашиб, унинг юзага чиқишини яна беш йил кутиш керак бўлса, курашиш ва кутиш лозим. Агар бу муддат яна чўзиладиган бўлса, бари бир — курашиш ва кутиш керак.»

Бу гапни таъкидлаган Муҳаммад Солиҳ хавfli майдонга одамларни чорлаш учун қўлини узатди ва бу қўллар истиқболга минглаб қўллар чўзилди...

Бу албатта кейинроқ содир бўлди.

Тарих 1986 йилги мақолани яна бир бор бугунги кун назари билан яна ўқиб чиқарган хулосамиз эса битта. Майдон ҳали ҳам хавfli. Хали ҳам жозибали. Зеро таъқиқ меваси мутлақо лаззатлидир.

Шухрат Бобожон
03.03.2014

М.Солиҳ: Хавfli майдон

Бугунги кунда ёзувчи сўзининг қадр-қиммати қанча ва кимлар бу сўзни тушуна олади: Бизнинг турмуш тарзимиз СЎЗ таъсирида ўзгарадими? Шоир Эркин Воҳидов бу ҳақда шундай ёзади:

- Орол ўлаётмир,

- Сир ўлаётмир,

Ўлаётмир заҳардан тупроқ.

Шоир бунга қарши не қилаётмир!

Шоир дафтарида каттакон сўроқ.

У фақат қичқирар:

Бундай бўлмади,

Алам билан ёш тўқар бироқ

Унинг кўз ёшидан Орол тўлмади,

Фақатгина ер бўлар шўрроқ...

Ўта истехзоли шеър. У бизнинг ҳар нарсага шубҳа билан қарашимизни, ўз сўзимизга ишончсизлигимизни, бюрократия қаршисидаги ожизлигимизни ифода этади. Мен бу шеърни бадиий асар сифатида қораламайман, аксинча, у шу ҳолича аъло даражада ёзилган. Лекин унинг хулосасидаги руҳга эътибор беринг-а.

Бу — сўзга ишончсизлик руҳи.

Ушбу руҳ бахтга қарши, узок вақт бизни таъқиб этди, ўзбек ёзувчилари ўз сўзларига қат-қат либос кийдирди. Кейинги ўн йилда сўз тега-расида қурилган бу “иншоот” шу қадар қалинлашдики, унинг овози эшитилмай қолди. Биз шундай пухта химояланаётганимизни ҳам унутиб қўйдик. “Зийрак кишилар”дан хавфсираб, ўзимиз ҳам зийрак бўлиб қолдик. Ҳар бир сўзимизни ҳақиқат эмас, эҳтиёткорлик тарозисига солиб ўлчадик:

Шунга эҳтиёж бормиди?

Ҳа, бор эди.

Чиройли шоирларни қалқон қилиб, ҳужумга ташланувчи одамлар бор эди: бир самимий жумла айтсанг, сен “ғоясиз”га айланиб қолишинг ҳеч гап эмасди, беғубор кулгу эса, “таҳқирлаш” деб тушуниларди.

Эркин Воҳидовда шундай шеър
(Давоми келгуси саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бор:

*Хушёр бўл! Сафсатабоз,
номарду тили ботир,
Ёқангга таҳқир муҳри
ёрлигин қадайд.*
*Чет тилини ўргансанг,
сени космополит дер,
Ўз тилингда сўзлаисанг,
миллатчи деб атайди.*

ХАВФЛИ МАЙДОН

Шунинг учун ҳам аввал ёзувчилар нима гапиришни билишарди. Яъни, нима мумкин-у, нима мумкин эмаслигини билишарди.

Энди бўлса, ошкоралик талаб қилинаётган бир пайтда, тўла ҳақиқатни айтиш мумкин бўлган бир пайтда, биз ўзимизни йўқотиб қўйдик. Узоқ вақт мобайнида бирор юкни кўтариб юрган одам елкасидан ўша юкни кутилмаганда олсангиз, у мувозанатини йўқотиб қўйиши мумкин. Биз худди шу одамга ўхшаб қолдик.

Биз ошкораликка секин кўникаяпмиз, ниҳоятда секин.

Майли, кўникдик дейлик. Ўйлаганларимизни айтишга қодирмиз ҳам, дейлик. Аммо бизни эшитадиган одамлар бу ошкораликка кўникармикан?

Тўғри, жамиятимизда кечаётган бугунги жараён ниҳоятда мураккаб ва қийинчиликлар бўлиши табиий бир ҳолдир. Лекин ёзувчи ўз вақтининг асосий қисмини ёзган асарлари ҳимоясига сарфлашга мажбур бўлаётгани мутлақо нотабиийдир.

Яқинда адабиётшунос олим М.Ваҳобов “Правда Востока” газетасида “Тарих ҳақиқатига қарши” деб номланган мақоласини эълон қилди.

Мақола муаллифи халқлар дўстлиги ва байналмилалчилик принципларини “ҳимоя” қилади. Унинг фикрича, П.Қодиров (Бобур давлати ҳақидаги) ва М.Маҳмудовнинг романлари, А.Қаюмовнинг мақолаларида тарихий ҳақиқат бузиб кўрсатилганмиш. У ўз фикрини шундай исботлайди: “П.Қодиров ва А.Қаюмовларнинг асарларида синфий тушунча йўқ — абгор халқнинг оғир аҳволи бирор марта тилга олинмайди, эксплуатация ва зулмнинг бошқа шакллари хусусида лом-лим дейилмайди. Жамиятнинг синфий гуруҳларга

бўлиш ўрнига, “яхши” ва “ёмон” хонларга ажратилади, халқ оммаси эмас, беклар ва уларнинг лашкари саҳнага чиқади. Бу тарихий давр воқеалари ва Бобур шахси тасвирланар экан, асар муаллифлари сотсиалистик реализм позитивиясидан узоқлашиб, майда буржуа романтизми томон оғадилар”.

Бу бадиий асарни санъат асари сифатида эмас, фақат юзаки мафкуравий нуқтаи назардан туриб таҳлил этиш намунаси. Таниш ус-

луб. Вулгар сотсиализм ҳали ҳам тирикка ўхшайди...

М.Ваҳобов ёзувчи П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи ҳақида шундай ёзади: “Пиримқул Қодиров Бобурнинг шахсий ҳаётини тасвирлар экан, Бобурга тилла суви юритилган товоқлар-у тилла жомларда овқатлар ва ичимликлар олиб келингани ҳақида, унинг лашкарларига қилган қимматбахо совғалари — олтин хошияли тўн, олтин эгаржабдуқли отлар ҳақида завқ билан ёзади. Совет ёзувчиси бу бойликларнинг манбаи ҳақида ҳам ёзса яхши бўларди”.

Бу ўринсиз киноя.

Чунки, совет ёзувчиси П.Қодиров ўша манбалар ҳақида етарли даражада ҳикоя қилган. Буни кўриш учун совет танқидчиси бўлиш керак, холос.

Агар жаҳон адабиёти хазинасидан ўрин олган “Уруш ва тинчлик” ёки “Петр-1” ва ўнлаб шунга ўхшаш асарлар М.Ваҳобов услуби билан танқид қилинганда эди, уларнинг биронтаси ҳам “синновдан” ўтолмасди. Яхшиям, рус танқидчилигида бундай қараш бўлмаган.

М.Ваҳобов ёзувчи П.Қодировни тарихни сохталаштиришда айблайди. Ёзувчи Бобурни монарх ҳукмдори сифатида талқин этган эмиш. Бу эса, унинг шахсини улуғлашга олиб келармиш.

Биринчидан, Бобур давлати Қобулдан то Бенгалиягача чўзилганлиги ҳаммага маълум. Ва бу давлат идораси амалда фақат Бобур кўлида эди.

Бундай марказлашган давлатни монархия типигаги феодал давлат сифатида кўрсатиш эмас, шундай кўрсатилмаганда тарихни сохталаштириш бўларди.

Иккинчидан, Бобур қандай бўлса, шундай тасвирлаш унинг шахсини

улуғлашга қирмайди.

Пиримқул Қодиров тажрибали ёзувчи ва тарихий шахсларни, ўтмишни идеаллаштиришнинг ёмон нарсаси эканлигини жуда яхши билади. Қолаверса, бизнинг тарихимиз бундай сунъий кўтаринкиликка, кўкнорий қувватга муҳтож эмас.

Тарихий ҳужжатларга суяниб ёзилган ҳар қандай ҳаққоний асар халқда такаббурлик уйғотмайди, аксинча, ўзини англашга хизмат қилади.

Мамадали Маҳмудовнинг “Ўлмас қоялар” романи “таҳлили” бундан ҳам қулгилироқ: М.Ваҳобовнинг услуби оддий — у адабий қаҳрамон айтган гапни роман муаллифи фикри сифатида келтиради. Борди-ю, қаҳрамон салбий бўлса-чи, дейлик, пантуркчи? Унда мақолани ўқиган тарихдан беҳабарроқ ўқувчи “Ўзбекистон пантуркчилар уяси экан-да”, дейиши ҳеч гап эмас.

Романнинг бадиий камчиликларини таҳлил этиш ўрнига (бу ҳақда гапиришга асос бор) М.Ваҳобов романдан ғоявий кир излайди ва доим “топади”.

М.Ваҳобовга ўхшаган мунаққидлар “шарофати” билан бизнинг тарихимиз ёзувчилар учун хавфли майдонга айланиб бормоқда.

Бу майдонда бир қадам кўйиш учун ҳам таваккал қилиш керак. Ҳар бир тарихий ҳақиқат “ўтмишни улуғлаш” деб аталмоқда. Ҳар қандай бадиий образ унинг прототиپига бўлган “муҳаббат”, дея талқин этилмоқда.

Шунинг учун ҳам бизда ғаройиб қўркув пайдо бўлди. Тарих олдида қўркув. Тарихий романларимизнинг озлиги ҳам шу қўркувдандир.

Академик Лихачев “Литературная газета”да босилган “Тревога совести” мақоласида шундай деб ёзади: “Бир пайтлар Достоевский қаҳрамонлари қадимий тошларга топиниш учун Оврупога интилишарди.

Энди, ноҳоят, ўзимизнинг қадимий тошлар, ўзимизнинг ўтмишимиз ва маданиятга юз бориш пайти келмадимикан?”

Ўша газетада ёзувчи Онор янги роман ва янги авлод тарбияси ҳақида гапириб, мақоласини Пушкин сўзлари билан яқунлайди: “Ўтмишга ҳурмат — бу ақлли одамни ваҳшийдан фарқловчи фазилатдир...”

(Давоми келгуси сонда)

Ўтган ҳафта Россия ҳукуматининг Миграция сиёсати бўйича мажлисида мигрантларга ўрнатилган квота масаласи кўрилган.

Мажлисида Россия меҳнат вазирлигининг қаршиликка қарамадан, Бош вазир биринчи ўринбосари Игорь Шувалов бошлиқ ҳукумат комиссияси мигрантлар учун иш ўринларини квоталаш тизимини бекор қилган. Ушбу квоталар визасиз киришга рухсат берилган давлат мигрантлари учун 2007 йилда жорий қилинган эди.

Федерал миграция хизмати (ФМС) томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси “Россия Федерациясида чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида”ги қонунга ўзгартишлар киритади.

Мазкур ўзгартишларга кўра, мигрантлар патент асосида хусусий тадбиркорлар ва юридик шахсларга ишга ёлланишлари мумкин. 2010 йилдан бошлаб фақатгина хусусий тадбиркорлар патент асосида мигрантларни ишга ёллашга ҳаққи бор эди.

Меҳнат муҳожирилари учун янги турдаги “корпоратив патент”лар 1 ойдан 3 ойгача яроқли бўлади. Кейинчалик бу муддат 1 йилгача узайтирилиши мумкин.

Патентлар фақат берилган минтақа ҳудудидагина амал қилади. Патентлар учун федерал нархнинг энг кам миқдорини белгилаб қўйиш режалаштирилмоқда (районлар учун ойига тақрибан 1000-1500 рубль тақлиф қилинмоқда) ва бу миқдор минтақалар томонидан яна оширилиши мумкин.

Мигрантларнинг қорхоналар ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишга ёлланиши учун патент тизимини жорий қилиш 2015 йилгача давлат миграция сиёсати Концепциясида назарда тутилган. Қонун лойиҳаси айнан мана



РОССИЯДА МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИ УЧУН КВОТА БЕКОР ҚИЛИНАДИ

шу концепция асосида ишлаб чиқилган.

Лойиҳа патент тизимига ўтиш билан бирга ҳар бир минтақа учун бериладиган патентлар миқдорини ҳам белгилаб беради.

Ҳукумат қарорига кўра 2014 йилда Россияга чет элликларни ишга ёллаш бўйича квота 1,6 млн қилиб белгиланган. 2013 йилда бу кўрсаткич 1,7 млн.ни ташкил қилганди.

Экспертларнинг таъкидлашича, патент тизими квоталаш тизимига нисбатан анча самаралироқ ишлайди, шу билан бирга маҳаллий бюджетларга ҳам даромад келтиради.

Хусусан, иш кучига кўп эҳтиёжи бўлмаган минтақалар патентларининг нархини ошириб қўйиш орқали мигрантлар оқимини назорат қилиши мумкин бўлади.

Бироқ, айтилган пайтда, Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлиги квоталаш тизимининг бекор қилинишига қарши чиқмоқда. Вазирликка кўра, бу меҳнат бозорини издан чиқаради. Чунки квоталаш орқалигина кириб келувчи чет элликлар сонини чеклаш мумкин, худди инкироз пайти квоталарнинг деярли икки

баробарга қисқартирилгани каби.

Меҳнат ва миграция ҳуқуқи бўйича «СМС Россия» халқаро юридик компанияси эксперти Асида Агрбаннинг таъкидлашича, миграциянинг салбий оқибатлари, хусусан, давлат кўраётган иқтисодий зарар биринчи навбатда, мигрантлар меҳнатидан фойдаланганлик учун давлат бюджетига пул тўланмаслигидадир. Шу сабабли ҳам юридик шахсларда ишловчи меҳнат муҳожирилари учун ҳам патент жорий қилиш масаласи бир неча маротаба кўтарилган.

ФМС матбуот котиби раҳбари Залина Корнилованинг таъкидлашича, янги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Россияда ишлаётган яна камида бир неча миллион меҳнат муҳожирини легаллаштириши мумкин.

ФМС расмий маълумотларга кўра, 2014 йилнинг март ойи ҳолатига кўра, Россиядаги чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахслар сони жами 10,6 млн. ни ташкил этади. Уларнинг асосий қисми Ўзбекистон (2,3 млн), Тожикистон (1 млн), Қозоғистон (566 минг) ва Қирғизистон (526 минг) фуқароларидир.

ЎХХ хабар маркази

РОССИЯ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҚУРОЛЛАНМОҚДА

Афғонистондан НАТО ҳарбий кучларининг чиқарилиши арафасида Россия ўзининг Марказий Осиёдаги ҳарбий базаларини тобора кўпроқ миқдорда қуроллантирмоқда.

Аввал имзоланган келишувларга биноан, Қирғизистондаги “Кант” авиабазаси каби, Россия тарафидан Тожикистондаги 201-дивизияга

янги ҳарбий ускуналар келтирилади. Тожикистондаги ҳарбий базага келтирилган ускуналар 40 нафар “Урал-4320” юк автомобили, ҳаводан кузатиш ва радиотўлқинларни ўчириш учун “Леер”, “Гранат” ва “Застава” дронларидан иборат.

“Вести.кг” хабарига кўра, 10 йил аввал очилган Кант авиабазасига ҳам янги ҳарбий ускуналар

келтирилмоқда. Марказий ҳарбий округнинг ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони Виктор Севостьяновнинг айтишича, Мудофаа вазири Шойгу базадаги авиатехника сони кўпайтириш буйруғини берган.

Декабр сўнгига қадар, бу ердаги мавжуд ҳаво кемаларидан ташқари, Кант базасига СУ-25 учоқлари партияси келтирилган, улар орасида СУ-25УБ ўқув-ҳарбий учоғи ҳам бор.

UZBEK.FM



ИНТЕРНЕТ-КАФЕГА КЕЛГАН ВИДЕОГА ОЛИНАДИ, КИРГАНИ САЙТ 3 ОЙГАЧА ҚАЙДЛАРДА САҚЛАНАДИ

Ўзбекистонда интернет-провайдерлар ва интернетдан фойдаланиш нукталарга талаблар кучайтирилган. Ўтган ҳафта Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг “Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” қарори қабул қилинган.

Қарор 31 мартдан бошлаб кучга киради.

Бу ўзгаришлар интернет-провайдерларининг манфаатларига тегишли.

Хусусан, интернет-кафеларни кўп қаватли биноларнинг ертўла ва ярим-ертўла қаватларидан очишга қатъий таъқиқ қўйилади. Аслида, интернет-кафеларнинг деярли барчаси турар-жой биноларнинг биринчи ёки ертўла (цоколь) қаватларида ташкил этилади. Бошқача қилиб айтганда, деярли барча интернет-кафелар ноқонуний мақомга ўтган ҳисобланади. Бундай таъқиқнинг сабаби қарорда келтирилмаган.

Интернет-провайдерлардан ташқари, интернет-фойдаланувчиларнинг ҳам ҳақлари бузилади.

Қарорга кўра, интернет-кафеларда видеокузатув камералари ўрнатиш шарт қилинади.

Бунга сабаб ўлароқ “мижозларнинг хавфсизлигини таъминлаш” дейилган.

Мижозларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида интернет-провайдерлар яна уларнинг

интернетда ташриф этгани веб-ресурсларни қайдга олиш (log-файллар) ва уч ой мобайнида сақлашга мажбур. Бошқача қилиб айтганда, бундан буён Ўзбекистонда интернет-кафега келган ҳар бир фуқаронинг хатти-харакатлари видеога олинди, кирган сайтлари эса админ компьютерида сақланадиган бўлади.

Охириги ўзгаришларнинг сабаби ҳам келтирилмаган.

Шундай бўлса-да, бу каби чоралар билан интернетдан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш кўзда тутилгани аён.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда ҳукумат буйруғи билан веб-провайдерлар жуда кўп интернет-сайтларга блок қўйган.

Муҳолиф ҳаракатлар, мустақил хабар агентликлари ва тахлилий портал сайтлари шулар жумласидан.

Маълумки, интернет-сайтларга тўсиқ қўйиш билан уларни бутунлай йўқотиб бўлмайди.

Тўсиқларни айланиб ўтиб, блокланган сайтларга киришнинг сон-саноксиз йўллари мавжуд бўлиб, фаол интернет-фойдаланувчилар аллақачон уларни унумли қўлланиб келади. Ҳатто шундай аноним браузер турлари мавжудки, фойдаланувчи тўсиқларни осонликча “айланиб” ўтиб, керакли саҳифага кира олади, ҳатто провайдерлар уларнинг на шахсини, на киргани сайтни аниқлай олмайди.

Шу сабабли ҳам, интернетга кирувчиларни энди видеога олиб, шахсини аниқлаш мақсад қилинганини аңглаш қийин эмас.

ЎХХ хабар маркази

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ВА РОССИЯГА БЎРИШИ КЕСКИН КАМАЙМОҚДА

Астана шаҳар статистика департаменти матбуот хизматининг билдиришича, 2013 йил Қозоғистон пойтахтига хориждан 47836 киши келган.

Ушбу рақам ўтган йилгига нисбатан 17879га кўп. Айти пайтда, 2012 йил билан солиштирганда Астанага келганлар сони 5,9 %га камайган. “Пойтахт аҳолисининг миграцион ўсишида Ақмола вилоятининг ҳиссаси – 19%, Жанубий Қозоғистон вилояти – 13,5%, Алмати шаҳри – 11,6 %, Қарағанда вилояти – 9,3%, Шарқий Қозоғистон вилояти – 8,9% ва бошқа вилоятлар – 37,7%ни ташкил қилган”, – дейилади хабарда.

Шу жумладан, ўтган йил мобайнида Астанага Хитойдан 336 киши, Қирғизистондан – 249, Ўзбекистондан – 621, Россиядан – 82, Мўғилистондан – 46, Туркиядан – 33 та, Озарбайжондан – 34, Украинадан – 10, Арманистондан – 24 та ва Тожикистондан – 12 киши кирган. Мигрантлар сонининг камайиш тенденцияси нафақат Қозоғистонда, балки Россияда ҳам кузатилади. Масалан, Россия Федерал Миграция хизмати раҳбари Константин Ромодановскийнинг айтишича, 2014 йилнинг 7 март ҳолатига кўра Россия ҳудудига кирганлар сони ўтган йилнинг айти санасига нисбатан 15,5% га камайган. Камайиш асосан МДХ давлатлари фуқароларининг Россияга кириб келишларида яққол кузатилади. К.Ромодановскийнинг таъкидлашича, МДХ давлатларидан келаётган мигрантларнинг камайиш кўрсаткичлари бўйича энг биринчи Ўзбекистон ва энг охириги ўринда Тожикистон.

2014 йилнинг дастлабки 2 ой мобайнида Ўзбекистондан Россияга кирганлар сони ўтган йилнинг айти муддатига нисбатан 204 мингга (33,2% кам), Қирғизистондан кирганлар – 41,9 мингга (28,7% кам), Озарбайжондан кирганлар – 55,4 мингга (27,6% кам) камайган.

Хориждан кириб келувчилар сонининг камайиши ўтган йил мобайнида Россия тегишли идораларининг ноқонуний миграцияга қарши босимлари ва қонунбузарларнинг 10 йилгача киришини таъқиқлаб, Россиядан чиқариб юборилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, 2013 йили Россия миграция қонунчилигига хорижий шахсларнинг мамлакатда қолиш муддатини чекловчи ва жазо чораларини кучайтирувчи бир қатор ўзгаришлар киритилган.

UZBEK.FM



УКРАИНА ЎЗБЕКИСТОН УЧОҒИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДАН БОШ ТОРТДИ

Ўзбекистон миллий авиакомпанияси матбуот хизмати берган хабарга кўра «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси томонидан 1 апрель куни Киевга томон амалга оширилиши керак бўлган рейслар бекор қилинди.

«Украина авиацияси раҳбарияти томонидан рухсат берилмагани муносабати билан юзага келган форс-мажор вазияти муносабати билан, «Тошкент – Киев – Тошкент» йўналиши бўйлаб 2014 йил 1 апрель куни амалга оширилиши керак бўлган НУ741/НУ742 рейси бекор қилинди», – дейилади авиакомпания сайтидаги хабарда.

ҳаво йўллари»нинг Киевга парвоз қилувчи рейсига рухсат бермаганлигининг сабаби миллий авиакомпания ахборотида келтирилмаган.

Ундан олдин, ўтган йилнинг ноябрь ойида, Ўзбекистон миллий авиакомпанияси «Тошкент – Киев – Тошкент» йўналиши бўйича парвозлар бекор қилиниши мумкинлиги ҳақида хабар берганди. Ўша вақтда парвозлар бекор қилинишига сабаб «Украина халқаро ҳаво йўллари»нинг ўзбек томонига парвозлар учун аниқ вақт ва кун белгилаш бўйича кўрсатаётган босими билан боғлиқ ўзаро низо сабаб бўлиши мумкинлиги айтилганди.

UZBEK.FM

Авиакомпаниянинг маълум қилишича, ушбу рейслар бўйича йўловчиларнинг авиачипталарини қайта брон қилиш ёки қайтариб олиш қўшимча тўлов ва жарималарсиз амалга оширилади. Украина томони «Ўзбекистон

Дин ишлари бўйича кўмита Ахборот хизмати берган хабарга кўра, 28 март куни Фарғона вилояти Адлия бошқармаси биносида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ҳудудида фаолият олиб бораётган ноисломий диний ташкилотлар раҳбарлари билан учрашув уюштирилган. Учрашув асносида ноисломий диний ташкилотлар вакилларига «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ижросига бағишланган семинар машғулотини ўтказилган.

Семинар ишида Дин ишлари бўйича кўмита, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари Адлия бошқармалари, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари, ИИВ вакиллари иштирок этганлар. Маълум бўлишича семинар давомида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ижросидан ташқари асосий масала «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом» мазмуни билан таништиришга қаратилган. Мазкур Низомда диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишдаги чекловлар санаб ўтилган. Унга кўра диний мазмундаги материалларни қуйидаги мақсадларда тарқатишга йўл қўйилмайди:

- жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этникоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб ёки бошқа ҳолатларга кўра камситиш ёхуд



ФАРҒОНАДА НОИСЛОМИЙ ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

ўзга шахслар махсулотларини обрўсизлантириш;

- Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузуми, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш;

- уруш, зўравонлик, терроризм, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб этиш;

- миллий, irqий, этник ёки диний адоват кўзгатувчи ахборотни тарқатиш;

- диний эътиқодни ўзгартиришга даъват қилиш;

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳақорат қилиш ёки камситиш;

- фуқароларни ўз конституциявий мажбуриятларини бажармасликка чақириш;

- давлат, жамоат ёки диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мол-мулкига тажовуз қилишга

ундаш;

- гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

- қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундаш.

Эслатиб ўтамиз, ушбу Низом 2014 йилнинг 20 январь куни қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори билан тасдиқланганди. Шу билан бирга мазкур қарор асосида «Диний мазмундаги материалларни давлат диншунослик экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом» ҳам тасдиқланганди.

UZBEK.FM



Макка ва Бакка исмлари ва буларнинг маънолари

Қуръони Каримда Макканинг номи бир марта Макка, иккинчи марта Бакка дея ёзилади:

“Ва у Аллоҳдирки, уларнинг (мушрикларнинг) кўлларини сиздан, сизнинг қўлларингизни эса улардан Макка водийсида (узоклаштирди) тортирди” (292).

“Шубҳа йўқки, инсонлар учун таъсис этилган илк байт Баккадаги муборак ва оламлар учун хидоят бўлган Байтдир” (293).

Макка ва Бакка номларининг имло ва талаффуз фарқларига қарамасдан айни ерга берилган ном эканини таъкидлаганлар кўп. Ва Макканинг Ҳарам худудлари билан бирга бутун бўлгани ўз ичига олган жой номи эканини эътироф этганлар ҳам бор (294).

Маккага гуноҳларни йўқ қилиши ва озайтиргани, зулм этганларни ҳалок этгани (295), зўравон ва золимларнинг бўйинларини синдиргани (296), кибр ва ғурурларини (297) йўқ этгани учун ҳам Макка номи берилгандир (298).

“Қомус” таржимони Осим Афанди “Макка” бўлимини шу сўзлар билан тамомлайди: “Муаллифнинг “Басоир” да баёнига кўра, беш важиҳ муҳтамалдир: ерда сув оз бўлгани сабабли ердан сувни оғизлари билан эмиб чиқарадилар, маъносида.

Сониян: Макка эммак — сўрмоқ маъносида, инсонни ўзига қараб тортади, сўради, жазб этади, маъносида.

Салисан: Макк, бу — Таир

маъносида, гўё исёни макк этмак, даф этмак.

Рабиян: “Маккока” дан олинган суякнинг ўртаси лубт ва мухк (илик), дунёнинг васоти, хулосасидир.

Ҳомисан: усатнинг (осийларнинг) зунубини (гуноҳларини) суякдан сўриб чиқарган каби истихрож этади, бартараф қилади, маъносида”. (299). Ёқут Улҳамовий ҳам бу 5 моддани турли манбаълардан олиб, китобига қайд этган (300). Бакка ҳақида фараз: золим ва зўравонларнинг бўйини синдиргани учун ва ерда кўплаб инсонлар тўплангани учун Бакка деб аталгандир (301).

4. Тоиф йўли тарафидан:

Макта тоғидаги Сания Тулҳолга қадар 7 милдир (309). Макта: Нажид ва Ироқ йўлида, Ҳарамнинг чегара тошлари Ҳарамга тегиб турган Соният-ул ҳолнинг бошидадир (310).

5. Жииррона йўли тарафидан:

Абдуллоҳ бин Ҳомид бин Асидларнинг Шибига қадар 9 мил (311).

Ҳарам чегара тошларининг ўрнатилиши

Макка Ҳарамининг чегара тошларини биринчи марта Иброҳим алайҳиссалом ўрнатди.

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (10).

Макка ҲарАм чегараси

Ривоятга кўра, Одам алайҳиссалом Жаннатдан ер юзига туширилган заҳоти Шайтон шарридан кўрқиб, Аллоҳга сиғинди. Ва Аллоҳ унга муҳофиз Малаклар йўллади ва бу Малаклар Маккани ҳар тарафдан қуршаб олдилар.

Бу Малаклар турган доирани Аллоҳу Таоло Ҳарам худуди ўлароқ белгилади (302).

1. Макка Ҳарамнинг чегараси Мадина йўли тарафидан:

Танъим яқинидаги Бани Гифорларнинг уйига қадар уч милдир (303).

Танъим Макка — Мадина йўлининг Ғарб тарафида. Бу йўлдаги ҳарам қудуғининг тошлари Зот-ул ханзал номли тоғ йўлининг бошидадир. Бу чегаранинг олд томони Ҳарам, орқа томони — Хилл, Ҳарамдан ташқарисидир (304).

2. Яман йўли тарафидан:

Либн тепасидаги (Адоатуллибн) қадар 7 милдир (305). Адоат-ул либн Тихома тарафида, Яман йўлида. Бу ернинг чегара тошлари Ғураб тоғи устидадир.

Тоғнинг ярми — Ҳарам, ярми эса — Хилл, Ҳарамдан ташқаридадир (306).

3. Жидда йўли тарафидан:

Ал Ашошага қадар 10 мил (307). Жидда йўлидаги Худайбия Ҳарам чегараси тошлари Ашашага қадар узанади. Ашашадан аввалги Ватни-Мар устидаги Соха Ҳарамнинг ташқарисиди, Мурайр устига қараган бўлга эса Ҳарам ичига қиради (308).

Унга тошларни қаерга ўрнатишни Жаброил алайҳиссалом кўрсатди (312).

Аллоҳу Таолонинг амри билан Каъбани иншо этгандан сўнгра Иброҳим ва Исмоил алайҳиссалом ўзларига ҳаж амалини кўрсатишини тилаб, Аллоҳга ёлвордилар (313)

Жаброил алайҳиссалом келиб, Иброҳим алайҳиссаломга ҳаж амалини кўрсатди.

Ҳарамнинг чегараси устида тўхтади, Иброҳим алайҳиссалом бу чегара устида тошларни ўрнатди, ишоратлар қўйди ва устига тупроқ тортиди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг қўйлари шу Ҳарам чегарасидан ташқарига чиқмаганлар. Ҳарамнинг ҳар тарафига ёйилиб, ўша чегарага етганда орқасига қайтишарди (314).

Иброҳим алайҳиссалом бу чегара тошларини янгилади (315). Кейин Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг боболаридан бўлган Қусайй замонига қадар бу тошлар ўрнидан қимирламади. Қусайй уларни янгилаб, таъмир этди (316). Шунингдек, Ҳарам чегарасининг йиқилган тошларини ундан олдин Аднон бин Удаднинг янгилагани ҳақида ҳам ривоятлар бор (317). Муса бин Уқбанинг ривоятига кўра, Қурайш мушриклари Каъба чегара тошларига тажовуз этиб, уларни кўпориб олганлар. Мушрикларнинг бу ҳаракати Пайғамбаримиз алайҳиссаломга жуда оғир келган. Жаброил алайҳиссалом келиб, Пайғамбаримизга “Ё, Муҳаммад, Қурайшликларнинг Ҳарам тошларини суғуриб олишлари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

сенга оғир келди ҳар ҳолда, — деди.

- Тўғри, — деди Пайғамбаримиз.

- Улар бу тошларни ўрнига қайта тикажаклар, — деди Жаброил алайҳиссалом.

Кўп вақт ўтмасдан Қурайш қабиласидан бир киши бу мавзунинг очгани, кейин яна биттаси давом эттиргани ва ниҳоят, қабиланинг кўпчилиги бу мавзунинг тортиша бошлади. Ҳатто ичидан биттаси чиқиб:

- Аллоҳ шу ҳарам соясида сизларни азиз қилди, тажовузлардан ҳимоя этди, сиз эса унинг тошларини суғуриб ташладингиз. Энди, Араблар, сизни копажак! — деди. Кейин бу ҳақда баҳслаша-баҳслаша тошларни ерига такрор ўрнатдилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз алайҳиссаломга:

- Ё Муҳаммад, Қурайшликлар Ҳарам чегара тошларини такрор ўрнатдилар, — дея хабар берди.

- Улар тошларни ўз ўрнига аниқ ўрната олдиларми? — деб сўради Пайғамбаримиз алайҳиссалом.

- Улар чегара тошларининг ҳар бирини ўзлари эмас, Малак қўллари билан ўрнатдилар, — деди Жаброил алайҳиссалом (318). Пайғамбаримиз алайҳиссалом Макка фатҳ этилгандан сўнгра Тамим бин Асадул Ҳузони юбориб, Ҳарам чегараси тошларини таъмир қилдириб, янгилаттирган эди (319). Ҳалифалиги пайтида Ҳазрати Умар ҳам Қурайшликлардан 4 кишини — Махрама бин Навфал, Азхар бин Абдаф, Саид бин Ербу ва Ҳувайтиб бин Абдулуззани Ҳарам ҳудуд тошларини янгилашга маъмур қилди (320).

Ҳазрати Умарнинг хижрий 17- йилдаги янгиланишидан кейин Ҳазрати Усмон ҳам хижрий 26- йилда Ҳарам ҳудуд тошларини янгилатди.

Кейин Муовия бин Абу Суфён, Кейин Абдулмалик бин Марвон, Кейин Аббосий халифаси Мехдий,

Кейин 325 хижрийда Розий, Кейин 616 хижрийда Ирбил Сохиби Малик Музаффар,

Кейин 683-да Яман Сохиби Малик Музаффар Ҳарам ҳудуд тошларини янгилатди (321).

Исмоил алайҳиссаломнинг қурбон этилмак исталиши

Иброҳим алайҳиссалом

Ҳазрати Ҳожар билан Исмоил алайҳиссаломни кўришни истаганда эрталаб Буроққа минар ва кун ўртасида Маккага келарди ва ўша куни Маккадан чиқиб, Шомдаги оиласи ёнига келар эди (322).

Исмоил алайҳиссалом 7 ёшга кирганда, Иброҳим алайҳиссалом Шомдаги уйида ухлар экан, тушида ўғли Исмоил алайҳиссаломни қурбон этганини кўрди.

Тез Буроққа миниб, Маккага келди. Ўғлининг онасининг ёнидан топди (323). У ўғли Исмоил алайҳиссаломга:

- Ўғлим, бир ип ва катта бир пичоқ ол, кейин шу водийга кетамиз ва уй учун ўтин тўплаймиз, — деди. Аммо Роббининг унга амр этган вазифасини айтмади (324).

Ота-бола Шииб водийсига қараб йўлга тушдилар. Уларнинг орқасидан Шайтон ҳам йўлга тушди. Мақсади уларни Аллоҳ буюрган ишдан воз кечишга мажбур қилиш. Шайтон Иброҳим алайҳиссаломнинг йўлини кесиб:

- Эй муйсафид, қаерга боряпсан

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (10).

ва нима қилмоқчисан? — деди Шайтон.

Иброҳим алайҳиссалом:

- Шу водийга бориб, бир ишимни битирмак истаймман, — деди Иброҳим алайҳиссалом.

- Сен, ҳар ҳолда, Исмоилни бўғизламоқчисан, шундайми? — деб сўради Шайтон.

- Сен бир отанинг ўз боласини бўғизлаганини кўрдингми? — деди Иброҳим алайҳиссалом.

- Кўрдим, у ота — сенсан, — деди Шайтон.

- Ўз боламни нечун бўғизламоқчи эканман? — деб сўради Иброҳим алайҳиссалом.

- Сен буни Аллоҳнинг амри, деб ўйлапсан, — деб жавоб берди Шайтон.

- Агар буни Аллоҳ амр этса, Унинг амрига бўйсуниб, буюрганини қилишни маъқул кўраман, — деди Иброҳим алайҳиссалом (326).

- Балки Шайтон тушингга кириб, ўғлингни бўғизлашни буюргандир, — деди Шайтон ва Иброҳим алайҳиссалом унинг Шайтон эканлигини тушинди:

- Эй Аллоҳнинг душмани, валлоҳи, мен у водийда Аллоҳнинг амрини бажо келтираман!, — деди у.

Иброҳим алайҳиссаломдан умидини узган Шайтон энди

қўлларида арқон ва пичоқ билан отаси орқасидан келаётган Исмоил алайҳиссаломнинг йўлини тўсиб:

- Эй бола, отанг сени қаерга олиб боряпти, биласанми? — деди.

- Оиламизга водийдан ўтин тўпламоқчимиз, — деди Исмоил алайҳиссалом.

- Валлоҳи, отанг сени бўғизламоқчи (327), у сени бўғизлаш учун опкетаяпти (328), — деди Шайтон.

- У мени нечун бўғизламоқчи? (329) Сен бир отанинг ўз боласини бўғизлаганини ҳеч кўрдингми?, — деб сўради Исмоил алайҳиссалом.

- Ҳа, сенинг отанг шунақа ота, — деди Шайтон.

- Отам мени нега бўғизласин? (330)

- У буни Аллоҳ буюрди, деб ўйлапти, — деди Шайтон.

- Отам Роббимизнинг айтганларини бажо келтирсин ундай бўлса, — деди Исмоил алайҳиссалом (331), — отамнинг ўз Роббига ҳар ерда бўйсунуши ва Унинг амрларини бажо келтириш отам учун хайрлидир (332).

Мен ҳам амрга бўйин эгаман!

Шайтон Исмоил алайҳиссаломга ҳам гапи ўтмагач, унинг онаси ёнига борди.

Ҳазрати Ҳожар уйида эди (333).

- Эй Исмоилнинг онаси! Иброҳимнинг Исмоилни қаерга олиб кетганини биласанми?, — деди Шайтон.

- Водийдан ўтин йиғишга олиб кетди, — деб жавоб берди Ҳазрати Ҳожар.

- У Исмоилни бўғизлашга олиб кетди!, — деди Шайтон (334).

- Бир отанинг ўз боласини бўғизлашни қандай тасаввур қила оласан?, — деб сўради Ҳазрати Ҳожар (335), — йўқ, ундай эмас, у ўз ўғлига ниҳоятда шафқатлидир (336).

- У буни Аллоҳ амр этди, деб ўйлапти, — деди Шайтон (337).

- Агар Робби буюрган бўлса, унинг амрига бўйсунуш керак (338), қаерда бўлмасин, Аллоҳга бўйсуниб, буйруғини бажариши маъқулроқдир, — деди Ҳазрати Ҳожар (339).

Шайтон Иброҳим алайҳиссалом ва унинг оила аъзоларига сўзи ўтмаганидан ғазабланиб, қайтиб кетди. Иброҳим алайҳиссалом оиласи Аллоҳ буйруғига бўйин эгишда бирлашдилар (340).

(Давоми келгуси сонда)

Ўзбекистон ҳукумати мамлакатнинг амалдаги президенти ваколатларини умрбоқий муддатга чўзиш ҳақида умумхалқ референдумини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича амалий ишларни бажаришга киришди.



ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ “УМРБОҚИЙ” РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАЙЁРГАРЛИККА КИРИШДИ

**Ҳукумат ва вилоят
хокимиятларида ўтказилган
йиғилишлар**

Жорий йилнинг 10-15 март кунлари республика Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимиятларида амалдаги президент ваколатларини умрбоқий муддатга чўзиш ҳақидаги умумхалқ референдумини ташкил қилиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган махсус йиғилишлар ўтказилди. Туман ҳокимиятларига ва халқ таълими бўлими раҳбарларига сайлов округлари ва участкаларини ташкил қилиш вазифалари юкланди.

Бундан ташқари, мактаб, коллеж ва лицей директорларига ҳамда маҳалла кўмиталари раисларига президент Ислоҳ Каримов ваколатларини умрбоқий муддатга чўзиш нақадар муҳимлиги ҳақида тарғибот-ташвиқот тадбирларини бошлаш буюрилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзАААг), Матбуот агентлиги (ЎзМА), Республика маънавият ва тарғибот маркази каби ташкилотларга ҳам худди шундай топшириқлар берилди.

Юқорида номи келтирилган референдумни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ушбу ҳамда бошқа ишлар ҳозирча жамоатчиликка ошқор қилинмасдан, махфий тартибда амалга оширилмоқда. Биздаги маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳукумати “умрбоқий” референдумни ўтказиш ҳақидаги илк расмий хабарни шу йилнинг иккинчи ярмида, аниқроғи, Мустақиллик кунини нишонлаб бўлгандан кейин етказишни режалаштирмоқда. Шунгача эса референдумни ташкил қилиш ва

ўтказиш бўйича барча ишлар оммага эълон қилинмасдан бажарилади.

Шу билан биргалликда Ўзбекистон ҳукумати Ислоҳ Каримовни умрининг охиригача иқтидорда олиб қолишнинг иккинчи вариантини ҳам ишлаб чиқяпти. Ислоҳ Каримов томонидан таклиф қилинган биринчи вариантдан фарқли равишда иккинчи вариант Ўзбекистон Хавфсизлик Кенгашида ишлаб чиқилган бўлиб, аввалига президент ваколатларини вақтинча Бош вазирга беришни, кейин эса Каримов ва Мирзиёевларнинг “МедвеПутин” усулида мансаб алмашишини кўзда тутди.

Каримовни сиёсий иқтидорда олиб қолишнинг иккинчи варианты амалдаги президентнинг давлат бошқарувида қолишига қонуний тус бериш ва Ғарбдаги либерал танқидчиларни тинчлантириш учун атайлаб ишлаб чиқияпти. Яқинда Каримов ҳукумати томонидан Конституцияга ўзгартиришлар киритилиб, президентнинг баъзи ваколатларини Бош вазирга бериш негизида ҳам ана шу мақсадлар ётибди.

Эслатиб ўтамиз, Каримовни иқтидорда олиб қолишнинг ушбу усули Украина ва Қирим масалаларида Ғарб Путин Россияси устидан ғалаба қозониши эҳтимоли учун заҳира варианты сифатида ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирча эса, яъни Қиримни босиб олиш борасида Кремльнинг муваффақиятлари кўриниб турган бир пайтда Ўзбекистон ҳукумати Каримовни вақтинча Мирзиёев ўрнига ўтказиб, иқтидорда олиб қолгандан кўра, уни мамлакатнинг умрбоқий президенти қилиб расмийлаштириш

осонроқ эканлигига 90 фоиз амин. Шу сабабдан Каримов ҳукумати дарров “умрбоқий” референдумни ўтказиш бўйича ношқора ишларни бажаришга киришди.

Режалаштирилаётган референдум ташаббускори ҳам Ўзбекистон президенти лавозимида ёки мамлакатнинг амалдаги сиёсий раҳбари сифатида иқтидорда қолишига шубҳа қилмаяпти. Охириги йиғилишлар ва жамоат тадбирлари, шу жумладан, яқинда нишонланган Наврўз байрамига Ислоҳ Каримов кучли қувватлантирувчи дори-дармонлар таъсирида чиққани ҳам президентни ташвишлантирмаяпти.

Март ойининг биринчи ўн кунлигида Ислоҳ Каримов Швейцариянинг “Zeromax” компанияси собиқ раҳбари Миродил Жалоловни чақириб, унга баргараф қилинган ширкат ишини қайта тиклашни буюргани ҳам Ўзбекистон президентининг сиёсий оптимизмдан далolat беради. Каримов Одил-бойга қайта тикланадиган бизнесда ўзининг шахсий ҳимоясини ваъда қилди. Бунинг эвазига эса Ўзбекистон президенти Миродил Жалоловдан “ҳамма ишлар ҳақида фақат давлат раҳбарининг ўзига ҳисобот бериш”ни талаб қилди. Ислоҳ Каримов Одил-бойга: “На Лола, на Татьяна, на Шавкат ва на бошқаси сенга босим ўтказа олмайди. Сен фақат мен билан ишлайсан”, — деди.

Бундан тўрт йил илгари “Zeromax”ни фаоллик билан баргараф қилган Ўзбекистон давлат тузилмалари эндиликда Швейцария компаниясини юридик ва амалий жиҳатдан “тирилтириш” ишларини бошлашди. “Zeromax”га аввал тегишли бўлган барча мулк, шу жумладан, “UzGazOil” ёқилғи қуйиш шахобчалари, завод ва фабрикалар, нефтгаз конлари, “Bunyodkor” стадионию футбол клуби ва ҳоказолар яқин муддат ичида собиқ бизнес-монополистга қайтариб берилиши кутилмоқда. Шундай қилиб...

(Давоми келгуси саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Афсуски, биз ҳақ бўлиб чиқдик!

Афсуски, вақт бизнинг илгариги материалларимиз ва таҳминларимизнинг, масалан, “Ислом Каримов умрининг охиригача иқтидорда қолишга қарор қилди” деган хабаримиз тўғрилигини кўрсатмоқда.

Эндиликда манбаларимиз Ўзбекистон ҳукумати Ислом Каримовнинг навбатдаги аксилконституциявий истагини юридик жиҳатдан расмийлаштириш бўйича амалий қадамлар қўя бошлагани ҳақида хабар беришмоқда.

Бироқ жорий йилнинг февраль ойида биз Каримовнинг ушбу нияти ҳақида илк бор бонг урганимизда баъзи ўқувчилар, ўзини буюк эксперт ҳисобловчи баъзи чакқон “сиёсатшунос”лар ва ўзини журналистика корчалони ҳисоблайдиган баъзи шаллақи журналистлар бизнинг маълумотларимиз “нодонлар учун тўқилган эртақлар”, “жиннининг алаҳсираши” эканлиги ҳақида дод-вой кўтаришганди.

Ўтган йили биз Гулнора Каримова ва унинг бизнес-салтанатига қарши уюштирилган ҳужум Ўзбекистон

ҳукуматининг ташаббуси бўлиб, тўнғич қизнинг “музлатилган” пулларини Ғарбдан Ўзбекистонга қайтаришни кўзда тутиши ҳақидаги огоҳлантирувларимизни ҳам чакқон “сиёсатшунос”у шаллақи журналистлар худди шундай “вазмин”қарашлар билан қарши олишганди.

Шаллақи журналист томонидан бошқарилаётган ва “Ўзбекистонда блокировка қилинган сайт” бизнинг ёзганларимизни масҳара қилиб: “Гулнора Каримованинг пулларини Ўзбекистонга қайтаришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ, чунки бундай молиявий операциялар учун реал механизмлар мавжуд эмас”, деб ёзганди.

Мана энди Ўзбекистон ҳукумати Германия ҳукумати орқали “ўзбек тарафи Гулнора Каримовага қарши жиноят иши очиб, уни расман жазоласа, Ғарб Каримованинг пулларини Ўзбекистонга қайтариши” ҳақида АҚШ ва ЕИ ҳукуматлари билан аллақачон ҳуфиёна келишиб кўйгани маълум бўлмоқда.

Хусусан, Швейцария прокуратурасига яқин журналистлар “Би-Би-Си” радиосига интервью бериб: “Ўзбекистон ҳукумати Гулнора Каримова устидан жиноий иш очишга ва уни жазолашга журъат эта олса,

Швейцария ҳукумати Гулноранинг пулларини ўзбек маҳкамасига қайтаришга мажбур бўлади”, - деди. Шундай қилиб...

Сўнгсўз

Мақолаларимиз эълон қилинган кундан бир ярим ой вақт ўтгач, бизнинг материалларимиз эмас, балки чакқон ва сохта сиёсатшуносларнинг олди-қочди гапларию “вазмин” қарашлари, Ислом динидан ва ўзбек миллатидан кўрқадиган шаллақи журналистларнинг “холисона” мақолаларию хулосалари “нодонлар учун тўқилган эртақлар” ҳамда “жиннининг алаҳсираши” бўлиб чиқди.

Биз ҳамиша: “Оҳирда кулган яхши кулади”, деб келганмиз. Ўзбекистон ҳукумати амалдаги президент ваколатларини умрбоқий муддатга чўзишга бағишланган умумхалқ референдуми ўтказиш ҳақида расман хабар бериб, Каримов режимининг навбатдаги сиёсий спектакли ҳақидаги бизнинг огоҳлантиришларимиз ҳақ бўлиб чиқса, яна оҳирги бўлиб кулишдан хавотирдамиз.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос



ШХТ МИНТАҚАВИЙ АҚСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИНИНГ 24-ЙИҒИЛИШИ

2014 йил 28 мартда Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Минтақавий аксилтерроп тузилмаси Кенгашининг (ШХТ МАТТ) навбатдаги 24-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Хитой, Россия ҳамда ШХТ МАТТ Ижро қўмитасининг вакиллари иштирок этган.

ШХТ МАТТ расмий сайтидаги маълумотга кўра, йиғилиш давомида ШХТ МАТТ Ижро қўмитаси директори Чжан Синфен терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашда Шанхай ташкилотига аъзо давлатларнинг 2013-2015 йиллар учун

ҳамкорлиги Дастурининг амалга оширилиш жараёни ҳақида маъруза қилган, шунингдек ШХТ МАТТ Кенгашининг қарорлари тингланган.

Тадбирда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида, ШХТ МАТТ Кенгаши томонидан террорчилик,

экстремистик ва сепаратистик мақсадларда қўлланиладиган Интернет-ресурсларнинг Ягона реестри ҳақидаги Низом тасдиқланган.

Бундан ташқари, 2014 йилда Ғарб қуроли кучларининг Афғонистондан қисман олиб чиқилишидан сўнг, худудий хавфсизликни таъминлаш ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича ШХТ давлатларининг умумий чоралари мувофиқлаштирилган.

Интернетдан террорчилик, экстремистик ва сепаратистик мақсадларда фойдаланиш ҳолларини аниқлаш, олдини

олиш ва бартараф қилишда ШХТ аъзо-давлатлари ваколатли органларининг ўзаро муносабати механизми ҳақидаги Низом қабул қилинган.

Қолаверса, ШХТ аъзо-давлатлари ваколатли органлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилган “Шарқ-Аксилтерроп-2014” қўшма аксилтерроп ўқув машғулоти яқунлари баҳоланган.

ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги йиғилиши Тожикистон Республикаси ҳудудида 2014 йилнинг сентябр ойида ўтказилиши ҳақида келишилди. Таъкидлаш жоизки, Кенгаш йиғилиши ишбилармон, конструктив ва дўстона муҳитда ўтди.

Эслатиб ўтамиз, бир қатор қузатувчилар Украина ва Қирим билан боғлиқ сўнгги сиёсий жараёнлар Марказий Осиё ўлкаларига кўчиб ўтади, деган башоратлар янграй бошлаган. Шу билан бирга, минтақа давлатлари ҳам ўз чегараларини кучайтириш борасида ҳаракатлар давом этмоқда.

Гулчеҳра Нуруллаева (шоира): «70-йилларнинг охирларида ўзбек адабиётига бир гуруҳ истеъдодли ёшлар кириб келди. Уларнинг етакчиси Муҳаммад Солиҳ эди. Муҳаммад Солиҳнинг шеърлари ўзига хос, ҳеч кимни эслатмайдиган, оҳорли, катта бир янгиликка эга бўлган шеърят эди.

ҚУРОЛСИЗ КИШИНING ОЗОДЛИГИ (Хужжатли фильм сценарийси)

Уни тушунганлар бўлди, тушунмаганлар бўлди. Тушунганлар уни олқишлашди, тушунмаганлар «Шеърингизни тушунтириб беринг» деган истеҳзоли савол билан унга мурожаат қилишди».

Бошловчи: Дунёда таниқли концептуалист рассом, турғунлиқ йилларида Абдулхамид Сулаймон Чўлпон портретини чизишга журъат этган мусаввир Вячеслав Ахунов шундай хотирлайди: «Во второй половине семидесятых годов я неожиданно для себя открыл удивительного поэта. Это были стихи очень метафоричные, не свойственные для узбекского поэтического поля, это было что-то новое. Со временем я познакомился с этим поэтом. Им оказался Муҳаммад Салиҳ».

Ориф Ожал (Озарбайжон президенти А. Элчибейнинг маслаҳатчиси, Билги Университети доценти):

«Муҳаммад Солиҳ у пайтларда анча ёш эди, аммо ёш бўлишига қарамай, Ўзбекистон ташқарисида танилган икки-уч адибнинг бири эди. Москва, Украина, Болтиқбўйи адабиёт ва санъат аҳлининг ҳурмати қозонганди. Нафақат адиб сифатида, балки ўз шахсияти билан, тарих ва фалсафа билими билан, ижтимоий позицияси ва инсонларга муносабати билан мақталган бир арбоб эди.

Адабиёт бу пайтлар бир кризис ичида эди. Бу даврда Муҳаммад Солиҳ Рауф Парфидан кейин келган авлоднинг етакчиси сифатида майдонга чиқди. Муҳаммад Солиҳ ўзбек адабиётида интеллектуал шеърятнинг муҳим вакилидир. Бугун нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Туркистонда ҳам Муҳаммад Солиҳ ижоди таъсирида бўлган, унинг йўлидан боришни истаган ёш адиблар талайгина».

Бошловчи: Муҳаммад Солиҳ 1985 йилдаёқ жадид Абдулхамид Чўлпонга бағишланиб, бир онанинг тилидан ёзилган шеърда шундай дейди:

Онамнинг деганлари

*Сен ҳам шу йўлдан
кетдинг-а, болам,
Қайт, дедим, қайтмадинг,
энди кеч, э-воҳ!
Ром этди сени ҳам
шубҳали оҳанг,
Ром этди юртидан*

*ҳайдалган арвоҳ.
Ахир ўша йўлдан
кетдинг-ку ахир,
Энди гуллар эмас,
тикон босгайсан,
Сен ҳам арвоҳ янглиг
юргайсан фақир,
Ўз тилингни сен ҳам
шифтга осгайсан.
Ўшал эски йўлдан
кетдинг-ку болам,
Қўрқмай тикилдинг-а,
қоронгу горга –
Эй воҳ, бошгинангни
урарсан сен ҳам,
Арвоҳ бошин урган
ўшал деворга.*

1985 йил ёзилган бу шеър 1993 йилда реал воқеъликка айланди. Муҳаммад Солиҳ ўз юртидан қувилди ва айнан Чўлпон каби шеърлари ўз ватанида таъқиқланди.

«Озодлик» радиоси (2005 декабрь):

«Муҳаммад Солиҳ китоблари Ўзбекистонда сотувда бўлмасаям керак, кутубхоналардан йиғиштириворилган бўлсаям керак. Шахсан мен ўзим бирон китоб дўконида, ёки кутубхоналарда кўрганам йўқ. Лекин менинг ўзимда Муҳаммад Солиҳнинг бир-иккита китоблари бор».

Анорхон Ҳамдамова:

«Бугунги кунда кутубхоналарда йўқ. Мана ўзим гувоҳи бўлганман. Туман халқ таълими бўлимида китобларини аянчли аҳволда ётиб чирётганига гувоҳ бўлдик.

Кейин бир укамиз шаҳарга келганида, бир ерда ажратиб олиб ташлашаётган экан. Кейин илтимос қилиб, «Орзу фуқароси» китобини (90-йилда чиққан) 20 тачасини ололган, ўн тачасини биз олганмиз».

Биз билан суҳбатда шоир Рауф Парфи:

«Ўзбек адабиётининг XX аср тарихи Муҳаммад Солиҳсиз у ўзбек адабиёти бўлолмаслигини билган ҳолда ҳам у ҳақда лом-мим дейилмайди».

Бошловчи: Аммо шоир сифатида Муҳаммад Солиҳ 1983 йилда машхур бўлди. Бунга сабаб танқидчи Иброҳим Ғафуровнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Солиҳга қарата ёзилган «Шеърингизни тушунтириб беринг» номли мақоласи бўлди. Танқидчи ўз мақоласида Солиҳ шеърятдаги лирик кахрамонни Гамлетга ўхшатди.

«Бу одамга ўзи нима етишмаяпти, доим ғамгин, доим тушкун кайфиятда, бу нурафшон ҳаётимизда унга нима етишмаяпти?», дея танқид қиларди. Бу мақола Солиҳни совет тузумидан норози кўрсатиш учун етарли эди. Бу мақола билан Муҳаммад Солиҳнинг диссидентлик даври бошланди.

СИЁСАТ

Бошловчи: 1984 йил Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг сиёсати ўзбекларни миллат сифатида синовдан ўтказди. Москванинг кўрсатмасига асосан Ўзмарказқўм халқимизнинг миллий, маданий ва диний қадриятларига қарши ҳужумга ўтди. Шундай ҳавотирли даврда «53 лар мактуби» номини олган мактуб пайдо бўлди. Бу Ўзбекистонлик 53 нафар ёш ва истеъдодли шоир ҳамда ёзувчиларнинг Сиёсий Бюро аъзоларига йўллаган қорозилик мактуби эди.

Хатда Ўзмарказқўмнинг халққа қарши сиёсати ҳақида сўз юритилганди. Мактуб Кремлга 1985 йилнинг бошларида жўнатилиб, унга жавоб май ойида – яқинда ишга келган Горбачёв маъмуриятдан келди. Лекин жавоб шикоятчиларга эмас, балки Ўзмарказқўм котибасига келганди.

У исёнкор ёш ёзувчиларни Марказий Кўмигага тўплаб, уларни «тўғри йўлга ўтиш»га ундади, лекин унинг бу ҳаракатлари самарасиз қолди. Фақат уч кишигина уз имзосидан воз кечди. Лекин хатга имзо чеккан 56 кишидан 53 нафари ёзганларидан тонмадилар.

Ана шу жасоратли 53 киши Ўзбекистоннинг келажакдаги Миллий Озодлик ҳаракатига асос солди. Ўзбек муҳолифати муҳолифат номини олмай туриб, Муҳаммад Солиҳ раҳбарлик қилган Ёзувчилар уюшмасида тузилди. «53 лар мактуби»нинг матни Муҳаммад Солиҳ томонидан ёзилганди. Шу сабабли, Ўзмарказқўм котибасининг тузган «қора рўйхат»да ҳам Муҳаммад Солиҳ биринчи ўринда турарди. Лекин Солиҳни бу тўхтата

олмади. У Ўзбекистон экологиясини яхшилаш учун жонбозлик курсатаётган Эмин Усмон, Дадахон Нурий каби фидокор ёзувчилар сафига қўшилиб, қуриётган Орол ва ўзбек аёлининг соғлиги муаммолари хусусида қатор ўткир чиқишлар қилди.

А.Исмоил: «Муҳаммад Солиҳнинг ўзбек адабиётига қўшган

ўқувчи унинг шеърларидаги ташбех пардаси ортидаги миллат дарди ва тузумга қарши муҳолифликни кўриши мумкин эди. Муҳаммад Солиҳ ҳали турғунлик пайтларидаёқ шундай сатрлар битган эди:

*Нақадар зерикарли
далалар - пахтасиз!
Осмонга анграя*

ҚУРОЛСИЗ КИШИНING ОЗОДЛИГИ

(Хужжатли фильм сценарийси)

улуши, хиссаларидан яна биттаси – у мунозара жанри, публицистика жанрини жуда катта чўққиларга кўтарган бир адибдир.

Айниқса, мунозара жанрида 80-йилларда чиққан мақолалари, 90-йилларда чиққан мақолалари, қолаверса, охириги йиллар чиққан мақолаларида у мунозара жанрини, ўз рақибига нисбатан сўзларни ишлатиш жанрини жуда мохирона, Фитратнамо йўлда ишлатади ва, балки, юқори-юқори чўққиларга элтади».

Гулчехра Нуруллаева: Муҳаммад Солиҳдай шахснинг янги қирралари очила бошлади. У энди жуда катта бир истеъдодли публицист сифатида майдонга чиқди. У ўзбек жамиятининг жуда кўп муаммоларини минбарларда кўтарди, ўзининг мақолаларида кўтарди. Улар ҳақида қуйиб-пишиб, асосли, мантиқли фикрлар юритди. Бу билан у ўзбек халқига яна-да яқиндан таниш бўлди».

Бошловчи: Муҳаммад Солиҳга бу қадар катта шухратни ҳатто ғарб услубидаги шеърлари ҳам келтирмаганди.

Бахтиёр Исобек (адабиётшунос): «Муҳаммад Солиҳнинг ўз ўрни, ўз ажралиб турадиган хусусияти нимадан иборат деса, мен айтдимки, ҳақиқий шоир учун зарур бўлган метафорик фикрлашдир. Бир пайтлар Муҳаммад Солиҳни тушуниш қийин деганларида, айнан ана шу метафорик фикрга эга бўлмаган тадқиқотчилар уни тушуниши қийин бўлган».

Темур Хўжа: «Унинг шеърларини мен катта ҳаяжон билан ўқиганман.

Чунки у ўзбек шеърлятида метафорани жуда кучли ишлатган бир киши. Метафорани энг кўп Чўлпон ишлатган. Чўлпоннинг метафоралари жудаям кучли, аммо кейинги даврда бошқаларда ҳам ўша метафора бор, аммо Муҳаммад Солиҳнинг шеърларида метафора жуда ҳам кучли».

Бошловчи: Лекин бироз синчков

*бўм-бўш чаноқлар,
Дехқоннинг бўм-бўш
панжаси каби!*

(1975)

Шеърлий мушоҳада юрита оладиган ҳар қандай киши бу топишмоқсимон сатрларда пахта уни етиштираётган дехқонники эмас, деган фикрни илғаб оларди.

1988 йил Ёзувчилар уюшмаси тарихида биринчи маротаба ўз котибини коммунист бўлмаганлар орасидан сайлади. Бу коммунист бўлмаган котиб – Муҳаммад Солиҳ эди.

Бу сайлов – Ёзувчилар уюшмасининг КПСС идеология маркази сифатидаги фаолияти инқирозининг бошланиши эди. Энди Ёзувчилар уюшмаси олдида

Ўзбекистон миллий ҳаракати марказига айланишдек шарафли вазифа турар эди... 1988 йилнинг 11 ноябрь куни «Бирлик» Халқ ҳаракатига асос солинди.

Гулчехра Нуруллаева: «Бу ҳол ўзбек ҳукуматида ёкмади. Хисомовга ўхшаган, Кружилинга ўхшаган ўзининг югурдақларини ишга солиб, ўзбек матбуотида Муҳаммад Солиҳга қарши қатор чиқишлар ташкил қилди».

Бошловчи: КГБ эса Москвадан ажралиш иштиёкида бўлган ижодкор зиёлиларга қарши аллақачон кенг фронт бўйлаб кураш олиб бораётган эди.

Бу яширин кураш «Ҳақиқатгўй Муҳаммаднинг икки қиёфаси» номи мақола (20 декабрь, 1988-йил, «Правда Востока» газетаси. Муаллифлар: Ю.Кружилин, И.Хисомов) эълон қилингандан сўнг расмий тус олди. Унда Муҳаммад Солиҳни пахта монокультураси ва Москва мустабидлиги ҳақида Американинг «Нью-Йорк Таймс» газетасига берган интервьюси учун нақ Ватан хонини даражасига чиқариб қўйишган эди...

«Нью-Йорк Таймс» дан иқтибос: «Ўзбек ёзувчилари ва

иктисодчилардан иборат кичик бир гуруҳ Ўзбекистон пахта плантациялари Москвага қарам эканлиги масаласини кўтариб чиқдилар. Ёзувчилар уюшмаси котиби Муҳаммад Солиҳнинг фикрича, фожеа Сталиннинг СССРни пахта мустақиллиги билан таъминлаш ҳақидаги кўрсатмасидан сўнг бошланган. Унинг айтишича, СССРнинг бу «мустақиллиги» Ўзбекистоннинг қуллиги эвазига пайдо бўлган...» (06.11.1988, The New York Times)

Гулчехра Нуруллаева: «Бу чиқишлар ҳукумат ўйлагандай, халқни Муҳаммад Солиҳга бўлган муҳаббатини сўндирмади, аксинча, халқнинг унга бўлган ҳурматини яна-да оширди».

Бошловчи: 1989 йили Фарғонада юз берган месхет-туркларига қарши фитна Муҳаммад Солиҳ учун муҳим бир сиёсий имтиҳон бўлди.

Маҳаллий месхет-туркларига қарши уюштирилган ифвогарлик ҳаракатлари КГБнинг маҳаллий мафия билан уюштирган дастлабки ҳамкорлик самараси эди.

Ўшанда ҳукумат бунга дастлаб «Бирлик»ни айблаб чиқди. Лекин воқеа жойига етиб келган Муҳаммад Солиҳ ҳукуматнинг бу айблови асоссиз ва бўҳтон эканини ўша куниёқ «Литературная Россия»да ёзиб чиқди.

М.Солиҳ: «Фарғонага соат ўн бир яримларда кўндик. Жанжал ўчоғи Тошлоққа жўнадик.

У ерга кириб келганимизда хунрезлик авжига чиққанди. Ҳокимият ҳеч нарсага ҳоким эмасди».

Бошловчи: Аскарлар Марғилон ва Тошлоқ кўчаларини тўлдирганди. Фарғона водийсидаги ички ишлар қўшинларининг асосий кучлари шу ерга ташланганди. Лекин тартибсизликлар Наманганга, Қўқонга ёйила бошлаганда, Марказий ва маҳаллий ҳокимият бу кўникмаган воқеалар олдида ожиз эканликларини кўрсатиб қўйди.

М.Солиҳ: «Воқеаларнинг иккинчи куни Москвадан Р.Нишонов етиб келди. Ёнида Тошкентдан ички ишлар вазири генерал Раҳимов бор эди.

«Марғилон темирйўл вокзалининг олдидаги майдонда 2 мингтача одам тўпланган, уларнинг талаблари бор эмиш, ҳукуматдан вакил истаётган эмишлар, шунга Сиз борсангиз, деб мендан илтимос қилишди. Ёнингизда ички ишлар вазири бўлади, конкрет бир нарса бўлса, у жавоб беради, сиз оломонни тинчлантиришга ёрдам беринг», дейишди.

(Давоми келгуси сонда)

Бугунги Ўзбекистондаги аҳвол ўзбекларни бундай мақомни олишга уздаётган асосий омилдир.

Бугунги ўзбек ҳукумати қарийб чорак аср давомида бирорта чет элда оғир аҳволда қолган ўзбекка бирор мири моддий ёрдам қилиш у ёқда турсин ҳаттоки маънан ҳам қўллашни қилолган йўқ. Бундан кейин ҳам қилмайди.

ЎЗБЕКНИНГ ЕЛКАСИ ЯҒИРЛИГИГАЧА ҚОЛАВЕРАДИ

Менимча дунёда бизнинг ҳукуратимиздан бошқа бирорта бундай ўз халқини чет элларда хорзор қилиб қўйиб, элчихонаси эшигини тақа-тақ ўз фуқароларидан ёпиб олиб, километрлаб навбат ташкил қилиб, имкони борича пора олишни йўлга қўйгани ҳам йўқ, бундай ифлосликни «ташқиллаштиришни» бирор мамлакат етти ухласа тушига ҳам қирмайди.

«Мамлакатимиз тинч!» дейди-ганларга менда бир неча савол бор:

Нима учун сиз мақтаётган тинч ва жаннатмакон мамлакатни ишга яроқли аҳолисининг деярли барчаси бутун дунёга тарикдек сочилиб кетиб, нон излаб юришибди?

Уша тинч ватанда тинчгина яшасалар бўлмасмиди, ҳар бири ўз оиласи даврасида?

Болаларини «тирик етим» қилмасдан?

Майли, борингки, ўша миллионларнинг бирор ўн минг сиз айтаётган экстремист, террорист, ёки бошқа диний оқимларга қўшилган ҳам деб хисоблайлик. Қолган ўн миллионга яқин эркак аёлнинг наҳотки ҳаммасини ватан хоини деб хисоблайсиз?

Нима учун милиция ходимларининг сони бир миллионга етиб қоляпти?

Совет даврида КГБ деган ташкилот бўларди, бутун дунёни титратган. Уша ташкилот борлигини бутун халқ биларди, лекин ўша КГБни идораси қаерда-ю, хизматчиларининг турқи қанақалигини ҳеч ким билмасди. Бугунга келиб эса, ҳар бир туманда СНБ деган ташкилотни қаида икки қаватли биноси ва бу бинода ўзларича халқ душманларини излаб толмаётган бир неча ўнлаб каттаю-кичик СНБчилар (айғоқчи ва «қулоқ»ларини хисобламаганда) ишлайдилар. Уларни ҳаттоки кўчада кўриб қолганлар ҳам беихтиёр қўлини кўксига қўйиб бўқилибгина, мулоий кулимсираб салом беришади. Бу СНБ учун халқни қанча миллиард сўми совурилайтган экан?

Нахотки бизда юртбошингиз

айтганидек «бахтли ҳаётимизни» кўролмайдиганлар шунчалик кўпайиб кетган бўлса?

Бугунги ўзбек СНБси биринчи навбатда ҳар бир тумандаги пулдорларни доимий равишда қоқиб туриш билангина шуғулланыпти холос. Иккинчи вазифаси ўз «оталарини» тахтада иложи борича узоқ қолишини таъминлаш холос.

Қайси туманга борманг, СНБ бурнини тикмаган бирор тешик қолмаганига гувоҳ бўласиз. Булар фермерни тепалаш дейсизми, ўқитувчи, врачни пахтага хайдаш дейсизми, далага гўнг чиқариш дейсизми ҳаммасига бош-қош бўлишади. Нима учун чет элга чиқиш учун чиқиш визасини олиш, яъни ҳукуратдан рухсат олиш керак? Агар ҳукурат истамаса ҳеч қачон бу визани бермаслиги мумкин. Бундай тартиб бутун дунё буйича фақат иккита давлатда сақланиб қолган экан, Шимолий Корея ва бизларда. Нима учун бошқа бирорта давлатда бундай аҳмоқчилик йўғ-у бизда сақланиб қолмоқда?

Бу ОВИР деган ташкилотда минглаб одамлар фойдали иш қиляпти деган маънода миллиардлаб ўзбек пулини маош қилиб олаётганлари камлик қилгандек, ҳар бир виза олувчидан ҳам «чўталини» олишни мутлақо қанда қилишмайди. Нима учун Россия Думаси депутатларини маоши қанча-ю, бир йиллик қилаётган жами даромадлари қанчалиги тўғрисида очикдан-очик матбуотда ёзишадилар-у, бизни Олий Мажлис депутатларининг маоши қанча эканлиги ўта махфий давлат сири хисобланади? Президентингизни маошини-ку сўрамай қўя қолинг. Аргентинага бориб олгандан кейин балки айтиб қолар?!
Бу ерда Йигитбек исмли укамиз «Путин ўзбекларга ёрдам беради-ми?» деб сўрабдилар. У йигитга мен «Нима учун ўз президенти мутлақо унутиб юборган дангаса ўзбекларга бошқа мамлакатни президенти ёрдам бериши керак?» деган саволни бермоқчиман. Агар ўзбекларга Путин ёрдам бериши керак бўлса, сизнинг президентингизни нима кераги бор? Ўзбекни химоя қилиш, ўз халқига ёрдам бериш уни БУРЧИ эмасми ахир хурматли Йигитбек?

Энди бу ерда берилмай қолган жавобсиз саволлар жудаям кўп. Уларни қўйиб туриб асосий мавзуга қайтсак. Ўзбекларни қочқин мақомини олишга интилайтганликларини биринчи сабаби, менимча ҳозирги ҳукуратни тутуруқсиз сиёсати махсулдир.

Истаган одамни истаган вақтда ўша СНБ подвалига тиқиб кўпи билан икки кун «тергов» қилишса, бор-йўғи икки кунлик «тергов» давомида истаган одам «ўз хохиши билан» конституцион тузумга тажовуз қилганини тан олади. Тан олмаса, шу 20 йил давомида тергов пайти «юраги тўхтаб» қолиб ўлганлардек буниям «юраги тўхтаб» қолиши мумкин.

Хуллас, бугунги ўзбек халқини аҳволи ўтган асрдаги октябрь революциясидан кейинги асосан рус халқи ва бошқа СССР таркибига кирган миллатлар тақдиридек аҳволда. Ушанда СССРдан қочиб асосан Европа мамлакатларига бориб қолган қочқинлар қанчалик эгасиз ва химоясиз ўта оғир аҳволда қолишган бўлишсалар, бизни аҳволимиз ўшалардан ҳеч қанча фарқ қилмайди. Фақат орадаги бир асрни хисобламасак. Ушанда миллатлар лигаси бундай қочқинларга ёрдам бериш учун Норвег олими Нансен бошчилигида қочқинларга ёрдам ташкилотини тузади. Нансен жаноблари бу ишга чин юракдан киришиб, беғараз иш олиб боради. Бутун Европага тарқаб кетган асосан СССРдан қочиб кетганларга «Нансен паспорти» беришни йўлга қўяди. Бундай паспорти бор инсонларга ишга кириш, ўқишга кириш каби имкониятлар очилади...

Бугунги нафақат қочқинликни олмоқчи бўлган ўзбекларга, балки бутун ўзбек халқига ўша «Нансен паспорти» беришни йўлга қўйиш керак аслида, лекин қани ўша паспортни бериши мумкин бўлган Нансен?

Бугунги ўзбекни паспорти билан қаерга борсанг, албатта сени камситишади. Сенинг бор-йўқ айбинг — ўша паспортингда, холос.

Бутун халқни ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда мутлақо химоя қилмайдиган президенти, ўша президентни арқони давлатни давлат дейиш мумкинми ахир?

Устига устак, уни чорак асрлик жиноятларини оқлашга уриниш, эртага яхши бўлиб кетди деган мазмунда мавҳум гаплар қилиш. Менинг қатъий фикрим, бу тузум ўша қуртбоши бошчилигида бутунлай сиёсат супасидан супурилиб ташланмас экан, ўзбекни яғир елкаси яғирлигича қолаверади.

Фейсбукдан
«Каримов, КЕТ!» гуруҳидан

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

расмий нашри

www.uzxalqharakati.com/erkin yurt

Мухаррир: Камолиддин Йўлдош